

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

585 Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 31 мартдаги ПФ-4996-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2868-сон қарорини ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига: 2020 йил 31 декабрга қадар муддатда материаллар, техника ва ускуналар, хизмат транспорт воситалари, офис мебелли ва жиҳозлари, компьютерлар ва ташкилий техника, шу жумладан уларга дастурий таъминотини тендер ва (ёки) Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ўтказмасдан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга афзаллик берилган ҳолда энг яхши таклифларни саралаш асосида амалга оширишга;

энг яхши таклифларни саралаш асосида (тендер ўтказмасдан) хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция фаолияти, инвестиция лойиҳалари ҳамда инвестиция контрактларини экспертиза қилиш масалаларида тажрибаси бўлган нуфузли халқаро консалтинг компаниялари ва маслаҳатчиларини жалб қилишга;

ахборотнинг махфийлиги ва ахборот хавфсизлиги талаблари таъминлашини ҳисобга олган ҳолда, импорт контрактлари бажарилиши мониторингини олиб бориш, нархга оид ахборотни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида Валюта операцияларининг ягона ахборот-электрон тизими (ВОЯАЭТ)дан эркин фойдаланишга рухсат этилсин.

3. Белгилансинки, давлат органлари томонидан халқаро инвестициявий ва иқтисодий форумлар ҳамда бошқа турдаги халқаро инвестициявий ва иқтисодий тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишган ҳолда амалга оширилади.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 июнь,
415-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 23 июндаги 415-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича
давлат қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) ягона давлат инвестиция сиёсати шакллантирилишини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш, шунингдек чет эл инвестицияларини жалб қилишга масъул ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Қўмита ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Қўмита ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар, халқаро молия институтлари, чет эл ҳукумат молия ташкилотлари ва чет эллик инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий тусга эга қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мулкчилик ва идоравий

бўйсунуши шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Қўмитанинг марказий аппарати, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси юридик шахслар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва ўз номи туширилган муҳр ва бланкаларга, банк ҳисоб рақамига (жумладан чет эл валютасидаги ҳисоб рақамга) эга бўлади.

2-боб. Қўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат минтақаларига инвестициялар ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган чет эл инвестицияларини жалб қилиш, республикадаги инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар ривожланишини қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш;

чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шароитларни яратиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурларини ва минтақавий инвестиция дастурларини, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар бўйича шакллантиришда қатнашиш, келишиш ва мониторингини амалга ошириш, чет эл инвестициялари, кредитлар ва молиявий-техник қўмаклашиш воситаларини жалб қилиш учун инвестициявий таклифлар ягона базасини юритиш;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, хорижий банклар, фондлар, агентликлар, компаниялар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда инвестициявий ҳамкорлиги йўналишларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва амалга татбиқ этишда, шунингдек халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари билан инвестициявий ҳамкорликни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳуқуматлар молия институтлари, етакчи хорижий компаниялар ва банк тузилмалари билан инвестициявий ҳамкорлик масалалари

бўйича халқаро шартномаларини тайёрлашда, келишишда ва имзолашда иштирок этиш;

тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурлари, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари билан уйғунликда чет эл, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни, молиявий-техник кўмак воситаларини жалб қилиш;

инвестиция лойиҳалари бажарилишининг бориши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, чет эл капиталли иштирокидаги корхоналар фаолиятининг, шунингдек инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг таҳлилини ўтказиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар қабул қилиш асосида мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестицияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

халқаро ва хорижий ҳукуматлар молия институтларидан жалб қилинаётган кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситалари (грантлар), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобига марказлаштирилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда хорижий инвесторларга мамлакатнинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти ҳақида кенг ахборот бериш мақсадида халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш;

тегишли иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида технологик жиҳозлар, бутловчи буюмлар ва материаллар хариди бўйича тендер (танлов) савдоларида қатнашиш ва савдолар натижалари бўйича ғолибларни белгилаш, тендер ҳужжатлари экспертизаси ва тендер таклифларини баҳолашни ишлаб чиқиш ва ўтказишда қатнашиш; самарадорлиги, сифати ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, энергия ва ресурс тежамкорлиги, экологик стандартлар, таклиф этилган нархларнинг жаҳондаги ўртача нархларга мувофиқлиги ва бозорда юзага келган конъюнктура, шунингдек таклиф этилаётган технологияга мувофиқ лойиҳаларнинг «калити билан» топшириш қиймати бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган илғор технологиялар ва жиҳозлар жаҳон бозорининг чуқур таҳлилидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда, ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижаларини рад этиш, шунингдек тендер натижалари асосида тузилган импорт контрактларининг амал қилишини бекор қилиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида харид қилинаётган жиҳозлар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмлар нарх параметрлари, шунингдек лойиҳаларни «калити билан» топшириш қиймати параметрлари борасида импорт контрактларни тизимли асосда изчил экспертизадан ўтказиш;

республика лойиха институтлари ва ташкилотлари фаолиятини инвестициявий, аввало чет эл инвестицияси иштирокидаги лойихалар бўйича лойихаолди ва лойиха ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида мувофиқлаштириш.

7. Қўмита юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

а) ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва юритиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

қисқа муддатли, ўрта ва узоқ муддатли истикболдаги Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

инвестициялаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида мамлакат иқтисодий тармоқлари ва ҳудудлари ривожланишининг асосий тенденциялари ва прогнозларининг тизимли таҳлилин, шу жумладан халқаро консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда юритади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестициявий фаолиятни кенгайтириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

инвестиция соҳасида давлат ва бозор бошқарувининг оптимизацияси, инвестициялар оқимида, ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этишга тўсқинлик қилувчи тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ягона инвестиция сиёсати амалга оширилиши бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида кўмаклашади;

б) Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастурлари, минтақавий ва тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари, шунингдек инвестициявий лойихаларни шакллантириш, келишиш ва мониторингини олиб бориш, мамлакат иқтисодийига жалб этиладиган чет эл инвестицияларининг самардорлигини ошириш борасида:

Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастурлари, минтақавий ва тармоқ инвестиция дастурлари, техник кўмак воситаларини (грантларини) жалб қилиш дастурларини тайёрлаш, шакллантириш ва келишишда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастури шакллантирилишида инвестициявий, шу жумладан хорижий инвестициялар ва кредитлар (қарзлар) иштирокидаги лойихаларни киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига таклифлар киритади;

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ва уларга чет эл инвесторларини жалб қилишда вазирликлар ва идораларга кўмаклашади;

Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, шунингдек лойиҳалар ташаббускорлари бўлган вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи бирлашмалар билан ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури, шу жумладан чет эл инвестициялари ва кредитлари (қарзлар) иштирокидаги инвестициявий лойиҳалар амалга оширилишининг бориши устидан мониторинг тизимини ташкил этади, инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлайди ва бунинг асосида инвестиция жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурларига киритилган инвестиция лойиҳалари, минтакавий ва тармоқ инвестиция дастурлари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши ва улар доирасида маблағлар ўзлаштирилишининг, шунингдек ишлаб чиқилаётган лойиҳаларни ушбу инвестиция дастурларига киритишнинг доимий мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастурлари, минтакавий ва тармоқ инвестиция дастурлари, техник кўмак воситаларини (грантларни) жалб қилиш дастурлари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини шакллантириш, шу жумладан чет эл инвестицияларини жалб қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун вазирликлар ва идоралар мутахассисларини, шунингдек маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилади;

Ўзбекистон Республикаси худудида эркин иқтисодий зоналар ташкил этишда ва улар фаолиятини тугатишда иштирок этади;

эркин иқтисодий зоналар ривожлантириш мониторингини олиб боради, маъмурий кенгашлар аъзоларининг хулосалари асосида маъмурий кенгашларга янги инвестиция лойиҳалари бўйича таклифлар киритади ва эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг самарали ишлашини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

махсус иқтисодий зоналар маъмурий кенгашлари ишчи органи функциясини амалга оширади;

в) чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари, хорижий банклар, фондлар, агентликлар, компаниялар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан инвестициявий ҳамкорлиги соҳасида:

Ўзбекистон Республикасига инвестициялар киритиш бўйича потенциал

ва истиқболли инвестиция ва кредит бозорларининг доимий таҳлилини олиб боради;

чет эл инвестициялари ва кредитлари (займлар)ни, биринчи навбатда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари (займлари)ни ва техник кўмак воситалари (грантлар)ни жалб қилишда, шунингдек улардан самарали фойдаланишда вазирликлар, идоралар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ташкилотларига кўмаклашади;

стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий мамлакатларда давлат компаниялари иштирокидаги инвестиция компанияларини тузишда кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарининг ва мазкур ваколатхоналар хорижий ходимларининг аккредитациясини белгиланган тартибда амалга оширади;

чет эллик инвесторга республиканинг инвестиция салоҳияти ҳақидаги ахборотни тезкор олиш имконини берувчи дастурий маҳсулотлар яратади ва уларни жорий этади;

устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи чет эллик инвесторлар билан инвестицияларни жалб қилиш масалаларида «ягона дарча» тамойили бўйича ҳамкорлик қилади;

халқаро молия институтлари, чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари, хорижий банклар, фондлар, агентликлар, компаниялар ва бошқа ташкилотлар билан уларни республика учун стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш бўйича таклифларни, истиқболли ва жорий дастурларни ўрғанади, умумлаштиради ва тайёрлайди;

чет элдаги инновациявий ва юқори технологик лойиҳаларни таҳлил қилади ва унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига янги, Ўзбекистон Республикаси шароитида истиқболли инвестиция лойиҳаларини шакллантириш учун инвестициявий таклифлар киритади;

устувор ва истиқболли инвестиция лойиҳалари ва техник кўмак воситаларини (грантларни) жалб этиш дастурлари, жумладан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишлари портфелининг шакллантирилишида қатнашади, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, чет эл ҳукумат ташкилотлари, хорижий банклар, фондлар, агентликлар, компанияларни узоқ муддатли прогнозлар, иқтисодий ривожланиш ва таркибий ўзгаришлар устуворликлари асосида жалб қилишга кўмаклашади;

чет эл инвестициялари ва кредитлари (қарзлар), биринчи навбатда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари (займлари), шунингдек техник кўмак воситалари (грантлар) оқими ҳисоби ва таҳлилини юритади, ўрғанади ва уларни жалб қилиш ва рағбатлантиришнинг жаҳон тажрибасини умумлаштиради;

чет эл инвестициялари ва кредитлари (қарзлар), илғор технологиялар, шунингдек техник кўмак воситалари (грантлар)ни жалб қилиш учун устувор ва истиқболли лойиҳалар ягона базасини шакллантиради ва доимий янгилайди;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга методик ёрдам кўрсатади;

г) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг, савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш, шунингдек халқаро молия институтлари ва чет эллик инвесторлар билан инвестициявий ҳамкорликни амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

республикадаги лойиҳа ташаббускорларига чет эллик инвесторлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишда кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг, савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий маслаҳатчилари институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари савдо-иқтисодий маслаҳатчиларининг тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ва илғор технологияларни, иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилма ривожланишига устувор дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун техник кўмак воситалари (грантлар), кредитларни жалб қилиш бўйича бажарилган ишлар юзасидан йиллик ҳисоботларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар билан инвестициявий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича таклифларини эшитади;

республика тадбиркорлик субъектларининг чет эл компаниялари билан ишлаб чиқариш ва илмий-техник ҳамкорлик ўрнатишига, шунингдек қўшма корхоналар ташкил этишга ва биргаликдаги тадбиркорликнинг бошқа шакллари ривожлантиришда кўмаклашади;

тадбиркорлик субъектларига ва республиканинг бошқа шахсларига чет эллик инвесторларни топишда, узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишда кўмаклашади, шунингдек тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун лойиҳа таклифлари ва бошқа зарур материаллар тайёрлашда методик ёрдам кўрсатади;

д) Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар, халқаро молия институтлари, чет эл ҳукуматлари молия институтлари, етакчи хорижий компаниялар ва банк тузилмалари билан инвестициявий ҳамкорлик борасидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, келишиш ва белгиланган тартибда имзолашда қатнашиш соҳасида:

вазирликлар, идоралар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ташкилотлари билан халқаро ва инвестициявий шартномалар шартларини келишади ва уларни тузиш бўйича таклифлар киритади;

халқаро молия институтлари, чет эл ҳукуматлар молия институтлари, банк тузилмалари билан қарзга оид ва бошқа музокараларда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий ҳамкорлик масалалари бўйича имзоланган халқаро шартномалари маълумотлар базасини юритади, уларни бажариш бўйича доимий мониторинг олиб боради ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли ахборот ҳамда таклифларни киритади;

халқаро иқтисодий ташкилотлар ишида, инвестиция мавзуга бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилади ва қатнашади, инвестициявий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасига келган чет эл делегацияларини қабул қилади;

е) инвестиция лойиҳалари тендер (танлов) ҳужжатларини тайёрлаш ва келишиш, импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш, шунингдек лойиҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида битта контракт бўйича 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан ошадиган қийматда харид қилинадиган жиҳозлар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх параметрлари юзасидан импорт контрактларни, шу жумладан «калити билан» лойиҳаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизасини ўтказиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида битта контракт бўйича 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан ошадиган қийматда харид қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюмларни етказиб бериш, шунингдек иш (хизмат)ларни амалга оширишни мувофиқлаштириш, экспертиза қилиш, келишиш ва улар бўйича тендер (танлов) савдолари натижаларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

самарадорлиги, сифати ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, энергия ва ресурс тежамкорлиги, экологик стандартлар, таклиф этилган нархларнинг жаҳондаги ўртача нархларга мувофиқлиги ва бозорда юзага келган конъюнктура, шунингдек таклиф этилаётган технологияга мувофиқ лойиҳаларнинг «калити билан» топшириш қиймати бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган илғор технологиялар ва жиҳозлар жаҳон бозорининг чуқур таҳлилидан келиб чиқиб, тендер ҳужжатлари экспертизасини ишлаб чиқиш ва ўтказишда, тендер таклифларини баҳолашда қатнашади, зарур ҳолларда, ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижаларини рад этиш, шунингдек қонунчилик ва ўтказиш шартлари бузилган ҳолда ташкил этилган тендер натижалари бўйича тузилган импорт контрактларининг амал қилишини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида, буюртмачи банк кафолатлари олинганини тасдиқлаган ҳолда, тендер натижалари бўйича тузилган импорт контрактларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш;

самарадорлиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги, энергия ва ресурс тежамкорлиги бўйича замонавий талабларга

жавоб берувчи илғор технологиялар ва жиҳозлар жаҳон бозорини таҳлил қилади;

лойиҳалаш институтлари ва ташкилотлари томонидан инвестиция лойиҳалари, биринчи навбатда чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиши устидан мониторинг олиб боради;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизасини ўтказиш ва тайёрлашнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда лойиҳалаш ташкилотлари ва давлат экспертизаси органларига қўмаклашади;

ж) чет эллик инвесторларни мамлакат инвестициявий салоҳияти ҳақида кенг хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ва хорижда халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумларини ташкил этиш соҳасида:

чет эллик инвесторларни мамлакат иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти ҳақида кенг хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ва хорижда халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумларини ташкил этади ва уларда қатнашади;

давлат органлари томонидан ўтказиладиган халқаро инвестициявий ва иқтисодий форумлар ва бошқа халқаро инвестициявий ва иқтисодий тадбирларни келишади;

тегишли халқаро молия институтлари билан амалга оширилаётган ўзаро ҳамкорлик ҳақида Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро молия институтлари бошқарув идораларини мунтазам хабардор қилишни таъминлайди.

8. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзининг худудий бўлинмалари ва ўзига идоравий мансуб бошқа ташкилотлар орқали амалга оширади.

3-боб. Қўмитанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа давлат ташкилотларидан Қўмита ваколатларига кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар, статистик маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотни талаб қилиш ва олиш, шунингдек Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимидан эркин фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органларига хорижий инвесторлар учун шарт-шароитларни такомиллаштиришга доир таклифларни йўллаш;

белгиланган тартибда инвестиция масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ахборот алмашиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар,

кўргазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий инвесторлар кафолатлари ва ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва миллий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, ташқи иқтисодий ва инвестиция фаолияти иштирокчилари билан келишган ҳолда уларнинг инвестиция фаолиятини олиб бориш масалалари бўйича жавобгар шахсларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналаридан иқтисодий тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва илғор технологиялар, техник жихатдан қўллаб-қувватлаш воситалари (грантлар), устувор дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга кредитларни жалб этиш юзасидан таҳлилий материаллар, бу борада амалга оширилган ишлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан инвестициявий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича таклифларни мунтазам равишда сўраш ва олиш;

Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича таклифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиш;

республиканинг инвестиция салоҳиятини намоён қилувчи реклама маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳсулотларни (реклама аудио-видео материаллари ва рисоалари, хариталари ва бошқа турдаги реклама-ахборот материалларини) босиб чиқариш, кўпайтириш ва яратиш юзасидан буюртмаларни мустақил равишда ёки тасарруфидаги ташкилотлар орқали жойлаштириш;

хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар вакиллари билан Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилиш масалалари бўйича музокаралар олиб бориш;

устувор инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида хорижий ҳамкорлар иштирокида инвестиция жамғармаларини ташкил қилиш;

зарур бўлганда Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг расмий таклифи билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий делегацияларнинг республика ҳудудидаги яшаш ва транспорт харажатларини Қўмита билан келишган ҳолда Қўмитанинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан миллий валютада тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари ва ташкилотлари билан ахборот алмашиш, ушбу мақсадда давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар — лойиҳалар ташаббускорларидан зарур материалларни олиш;

тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахслар томони-

дан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши мониторингини олиб бориш;

ўз фаолиятини кенг ёритиш мақсадида Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида расмий веб-сайтлар, шунингдек ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини яратиш;

технологик ечимларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, «ноу-хау» ва тайёр ҳолатга келтирилган лойиҳаларни баҳолашга алоҳида эътибор берган ҳолда уларни батафсил экспертиза қилиш учун маслаҳат-кенгаш органларини ташкил этиш, шунингдек кўриб чиқиладиган лойиҳаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар ишига тегишли идоралар вакиллари, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилиш.

Қўмита қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Қўмита ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақли.

Қўмита, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа турдаги ҳужжатларни чиқаришга ҳақли.

11. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

12. Қўмитага Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади.

Қўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

13. Қўмита раиси:

Қўмита фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда Қўмита номидан вакиллик қилади ёхуд Қўмита номидан ишончнома ва (ёки) ваколатлар беради;

белгиланган умумий штатлар сони доирасида Қўмитанинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларининг штат жадвалини, шунингдек Қўмитанинг марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва ўзига қарашли ташкилотлар харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Қўмитага ажратилган молиявий ва моддий маблағларни белгиланган тартибда тасарруф этади;

белгиланган тартибда марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар тузил-

маси ва низомларини, шунингдек қарамоғидаги ташкилотлар уставларини, шу жумладан, акциядорлик жамиятлари мажлисларида тасдиқлайди;

белгиланган тартибда Қўмита марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар, қарамоғидаги ташкилотлар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва хорижий ташкилотлардаги вакиллари лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг, Қўмитанинг, Қўмита ҳудудий бошқармалари ва қарамоғидаги ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

зарур бўлганда марказий аппаратнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий штатлар сонига мувофиқ ўзгартиришлар киритади;

Қўмита, ҳудудий бўлинмалар ва қарамоғидаги ташкилотлар ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Қўмита ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларини рағбатлантириш ҳамда Қўмитанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Бюджетдан ташқари Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил қилади ва унинг Низомини тасдиқлайди.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга эга.

14. Қўмита раиси ўринбосарлари:

Қўмита назоратидаги бўлинмаларга бевосита раҳбарлик қиладилар ва Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар;

Қўмита раиси томонидан ўзларига юкланган бошқа функцияларни амалга оширадилар.

15. Қуйидагиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш:

Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси раисини — Қўмита раиси билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари раҳбарларини — тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишган ҳолда Қўмита раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари ва Ўзбекистон Рес-

публикасининг халқаро ва хорижий молиявий ташкилотлардаги доимий вакиллари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштирилади.

16. Қўмитада Қўмита фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирадиган, Қўмита раиси (хайъат раиси), унинг ўринбосарлари, шунингдек Қўмита марказий аппарати бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда хайъат ташкил этилади.

Хайъатнинг миқдорий ва шахсий таркиби Қўмита раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

17. Хайъат томонидан қуйидагилар билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилади:

Қўмитанинг мазкур Низомда назарда тутилган фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

кадрларни Қўмита номенклатурасига кирувчи лавозимларга танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Қўмитанинг ҳудудий органлари ва қарамоғидаги ташкилотлар раҳбарларининг ярим йилликлар яқунлари бўйича ҳисоботларини эшитиш;

Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун шахсий масъулиятини ошириш.

Хайъат Қўмита ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

18. Хайъат мажлисларига бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Қўмита ваколатларига кирувчи масалаларга алоқадор бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилиниши мумкин.

Мажлисда Хайъат таркибининг ярмидан кўпи ҳозир бўлганда Хайъат қонуний ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

19. Хайъат томонидан қабул қилинган қарорлар Қўмита қарорлари ва раиснинг буйруқлари билан амалга оширилади. Қўмита раиси ва хайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда раис мустақил равишда қарор қабул қилади, бунда юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарига хабар қилинади. Хайъат аъзолари ҳам ўз фикрларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарига маълум қилишлари мумкин.

Хайъат фаолияти тартиби хайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

20. Қўмита тизими ходимларининг иш ҳақи қонун ҳужжатлари ва Бюджетдан ташқари Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар ва устамалар, рағбатлантириш тўловлари, шунингдек қўшимча моддий рағбатлантириш тўловларидан иборат бўлади.

5-боб. Қўмита маслаҳат кенгаши ва бошқа кенгашув органлари

21. Халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни шакллантириш мақсадида Қўмита ҳузурида инвестиция соҳаси, илмий-техник доиралардаги, ҳуқуқ ва бошқа соҳалардаги маҳаллий ва хорижий экспертлардан иборат маслаҳат кенгаши ташкил этилади.

Маслаҳат кенгаши таркиби ҳар йили раис томонидан тасдиқланади. Маслаҳат кенгашининг қарорлари тавсия тусида бўлади.

Маслаҳат кенгашининг фаолият тартиби Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган Кенгаш регламенти билан белгиланади.

22. Қўмита марказий аппарати ва унинг қарамоғидаги бўлинмаларда ишлаш учун Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда инвестиция соҳасидаги хорижий компаниялар ва алоҳида мутахассислар шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоида

23. Қўмитани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.